

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ КАФЕДРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК:338:334.75 (575.1)

ФАЙЗИЕВА ДИЛСЎЗ БАҲОДИРОВА

МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК
БИЗНЕСНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ВА УНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

70310102 – “Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги
бўйича
магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Д.И. Рўзиева

ТОШКЕНТ - 2023

Магистерлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган.

12 -сонли баённома « 28 » апрели 2023 й.

Илмий раҳбар: доц. Д. Рўзиева



Талаба: Д. Файзиева




Диссертация Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “17” 05
№ 1/05 рақами билан рўйхатга олинган.

“Химояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси

муdiri, доц. И.Хотамов



“3” май 2023 йил

Химоя 2023 йил “17” 05 соат 10⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт
университетида бўлиб ўтади.

АННОТАЦИЯ

Мамлакат иктисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва унинг минтақа иктисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни, давлат томонидан қўллаб-қувватланиш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир.

Минтақа иктисодиётини ривожлантиришда кичик бизнеснинг ролини ошириш ва уни қўллаб-қувватлашга қаратилган назарий материаллар ва амалий таҳлил натижаларини аҳамиятини очиб бериш мақсадида мавзуимиз доирасида тадқиқот олиб бордик. Мавзуимиз доирасида олиб борилган тадқиқот ишлари, маҳаллий хорижий адабиётларни ўрганиб чиқдик. Илмий ишимизда нафақат назарий фикрлар, балки минтақа иктисодиётида кичик бизнес субъектлари фаолиятининг таҳлил жараёнлари ўрганилди. Ўрганган маълумотларимиз ва таҳлил натижаларимиздан келиб чиқиб, минтақа иктисодиётини ривожлантиришда кичик бизнеснинг ўрни катта эканлигини ва уни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш орқали самаралироқ фойдаланиш юзасидан хулоса, таклифлар ишлаб чиқдик.

Калит сўзлар: минтақа, минтақа иктисодиёти, кичик бизнес, тадбиркорлик субъектлари, ЯИМ, ЯҲМ, «кўринмас қўл», агент, ёндашув, йиллик айланма, микро бизнес, ўрта бизнес, жозибаторлик, давлат, жамғарма, субсидия, бандлик, бюджет, бизнес-инкубатор, очик мулоқот.

ANNOTATION

Development of the country's economy, small business, which plays an important role in ensuring the well-being of the population, and its role in the development of the regional economy, the issue of state support is one of the strategic directions of the state policy.

In order to reveal the importance of theoretical materials and results of practical analysis aimed at increasing the role of small business in the development of the regional economy and supporting it, we conducted research within our topic. We studied the research work carried out within the scope of our topic, local and foreign literature. In our scientific work, not only theoretical ideas, but also analytical processes of the activities of small business entities in the regional economy were studied. Based on the information we have learned and the results of our analysis, we have concluded that the role of small business in the development of the regional economy is great and that it should be used more effectively by further support from the state.

Keys words: region, regional economy, small business, business entities, GDP, GNI, "invisible hand", agent, approach, annual turnover, micro business, medium business, attractiveness, state, savings, subsidy, employment, budget, business incubator, open communication.

МУНДАРИЖА	
АННОТАЦИЯ.....	3
КЕЛТИРИЛГАН ЖАДВАЛЛАР РЎЙХАТИ.....	6
КЕЛТИРИЛГАН РАСМЛАР РЎЙХАТИ.....	7
КЕЛТИРИЛГАН ҚИСҚАРТМАЛАР.....	8
КИРИШ.....	9
Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги	11
Тадқиқот мақсади ва вазифалари	12
Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари	13
Тадқиқот объекти ва предмети	15
Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:.....	15
Диссертация таркибининг қисқача тавсифи	16
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	18
1.1. Кириш	18
1.2. Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар.....	18
1.3. Маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи.....	23
II-БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛИГИЯСИ	29
2.1. Тадқиқот дизайни	29
2.2. Маълумотларни тўплаш жараёни	29
2.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар	30
2.4. Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.	30
2.5. Тадқиқот жараёнида қўтилаётган муаммолар ва уларнинг ечими.....	31
2.6.Тадқиқотдан қўтилаётган илмий ва амалий аҳамияти	32
III БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.....	33
3.1. Минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва уни қўллаб-қувватлашнинг назарий асослари.....	33
3.2. Минтақада кичик бизнесни ривожлантириш ҳолати таҳлили	44
3.3. Ўзбекистонда минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнеснинг ролини ошириш ва уни қўллаб-қувватлашга оид тавсиялар ва таклифлар	55
Фойдаланилган адабиётлар	61
Иловалар.....	65

КИРИШ

Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришда минтақалар муҳим ўрин тутди. Бунда минтақаларда мавжуд бўлган молиявий ва моддий имкониятлар, маҳсулот ва хизматларнинг муайян турлари бўйича аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини қондириш ва минтақа нуқтаи назаридан фаолият соҳалари ва мулкчилик шаклидаги ресурслардан самарали фойдаланиш эътиборга олинади.

Ш.М.Мирзиёев «Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз - кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат... Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш - давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади»¹ деб таъкидлади.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришда маҳаллий ҳокимиятнинг таъсир қилиш имкониятларидан фойдаланиш бўйича мамлакатимиз тажрибасининг кўрсатишича, кейинги йилларда тадбиркорликни етарли даражада жиддий ривожланиши таъминланди. Шунини таъкидлаш жоизки 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 523,6 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60,8 мингтага кўпайган ёки 13,1 % га ошган. Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 17,9 бирликни ташкил қилди. 2022 йилнинг январь-декабрида 90,2 мингта янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 8,8 % га кам демакдир².

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мard ва олижаноб халкимиз билан бирга курашимиз./Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.//<http://uza.uz/oz/politics/erkin-va-farovon-demokratik-zbekiston-davlatini-mard-va-olizh-14-12-2016>

² <https://stat.uz/uz/>